

Комилова Мукаррам Қобилжоновна
СамИСИ «Ўзбек тили ва адабиёти»
кафедраси ўқитувчиси

Комилова Мукаррам Кобилжоновна
СамИСИ преподаватель кафедры
«Узбекского языка и литературы»

Komilova Mukarram Kobiljonovna
Teacher of the department «Uzbek language and literature» of SamIES

РУС ВА ХОРИЖ ТИЛШУНОСЛИГИДА УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация: ушбу мақолада рус ва хориж тилшунослигида умумий ва хусусий терминларнинг ўрганилиши хусусида фикр юритилган бўлиб, шунингдек инвестиция ва кредит терминларининг қиёсий аспектда ўрганилишига доир мулоҳазалар борасида фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: термин, терминология, луғат фонди, инвестиция, кредит, ички манба, ташқи манба, таълим.

Аннотация: в данной статье обсуждается изучение общих и частных терминов в русской и зарубежной лингвистике, а также даются комментарии по изучению инвестиционных и кредитных условий в ключевом аспекте.

Ключевые слова: термин, терминология, словарный запас, инвестиции, кредит, внутренний источник, внешний источник, образование.

Abstract: This article discusses the study of general and specific terms in Russian and foreign linguistics, as well as comments on the study of investment and credit terms in the key aspect.

Keywords: termin, terminology, dictionary fund, investment, credit, internal source, external source, education.

Ҳозирги жараёнларда жаҳон тилшунослигида таълимнинг ҳар бир босқичида шахсиятнинг шаклланиб бориши тараққиёт тамойилларини ўрганиш, ҳаётий заруратлар билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, миллий-маънавий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказиш, ижобий бизнес муҳитини яратиш, иқтисодий ва дипломатик ҳамкорлик учун коммуникацияни ўрнатиш воситаси сифатида чет тиллари, шу жумладан, ўзлашма терминларни ўрганиш беқиёс аҳамиятга эга. Бу борада ЮНЕСКО, Европа Кенгаши, Таълим ва Маданият бўйича Европа Комиссияси

томонидан турли ташкилотлар, кўмиталар, ассоциациялар, илмий-текшириш институтлари ташкил этилиб, CEFR (Common European Framework of References - Умумевропа даражаларга тавсиялар, тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш) тавсиялари ёрдамида таълимнинг ҳар бир босқичида тилни ўзлаштириш сифатини такомиллаштириб бориш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда [1, 2015].

Ўзбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мамлакатимизнинг бугунги кундаги ва истикболдаги устувор вазифалари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаганлиги бежиз эмас: “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча буғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [Халқ сўзи, 2017, 16].

Таълим тизимининг хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим тармоқларидан бири сифатидаги роли ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тармоқларига бўлган таъсиридадир. Чунки, бир тарафдан, таълим тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим хизматларининг истеъмолчиси ва амалга оширувчиси инсон ҳисобланади. Иккинчи тарафдан эса, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим элементларидан бири ҳам ишчи кучи ҳисобланади.

Таълим тизимидаги стратегик йўналишлардан бири – таълим тизимида чет тили фанларининг ўрни ва уларни ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари асосий омил сифатида белгилаб берилмоқда. Ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини, унинг моҳиятини тушуниб етиши ва энг муҳими, таълим соҳасидаги янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Кузатишлардан маълум бўлишича, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларга инвестициялар жалб этилди, ҳамкорлик доиралари кенгайди. Бироқ ушбу соҳалар терминологияси қиёсий аспектда тадқиқ этилган эмас. Шу маънода, рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит терминларини қиёсий-чоғиштира аспектда лексикографик нуқтаи назардан ёритиб бериш муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистонда инвестиция ва кредит терминологияси махсус тадқиқ қилинмагани боис инвестиция ва кредит терминлари таҳлили ўзбек тилининг кўлланиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Хорижий тиллар ҳамда рус тилшунослигида умумий ва хусусий терминология бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Jamal Mohamed Giaber, M.T.Cabre, В.В.Антимирова, В.И.Гатаулина, Е.А.Колесникова, И.С.Кулакова, Д.С.Салмина, Н.Н.Лантюхова, О.В.Загоровская, Т.А. Литвинова, Л.Н.Уткина каби олимларнинг ишларида соҳанинг турли масалалари ўрганилган. Ўзбек тилининг терминологик тизимлари М.Э.Умархўжаев, Ҳ.Дадабоев, Т.Урунов, А.Қосимов, К.Хуррамов, К.Сапаев, А.Мадвалиев, И.Юлдашев, Н.Усмонов, З.Мираҳмедова, Н.Маматов, М.Саидова, Г.Ғуломов, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова,

П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова ва С.Т.Мустафаевалар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, мақолада рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит терминлари илк бор қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганилиши лозимлиги борасида кузатишлар натижаларига доир мулоҳазалар билдирилади. Таъкидлаш жоизки, қиёсий аспектда ўрганилганда терминларнинг қўлланилишида тиллараро мазмуний мутаносиблик ва номутаносиблиги исботланади; таҳлилга тортилган терминлар терминография талаблари: аниқлик, мантиқан изчиллик, тизимлилик, адабий тил меъёрларига мослиги, оммабоплик нуқтаи назаридан тавсифланади; инвестиция-кредит терминларининг тиллараро лексик-семантик хусусиятлари, мазкур соҳа терминларини унификациялаш, уйғунлаштириш ва янги изоҳларини ишлаб чиқиш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилади.

Мавжуд илмий адабиётлар материалларида келтирилишича, *термин* лотинча «*terminus*» – *чегара, чегара белгиси, чек* маъноларини англатувчи сўздан олинган [3, 503]. В.Н.Шевчук терминга қуйидагича таъриф беради: «Термин – бу сўз бўлиб, ўрта асрларда «аниқлаш», «ифодалаш» деган маъноларни билдирган, қадимий француз тилида мавжуд бўлган «*terme*» лексемаси «сўз» деган маънони ифодалаган» [5, 6].

А.А.Реформатский таърифича, термин сўз ҳисобланиб, улар ўзининг алоҳида ва махсус белгилари билан чегараланади, терминлар фан, техника, иқтисод, сиёсат ва дипломатия соҳаларидаги бир маъноли, аниқ сўзлардир [4, 110].

В.П.Даниленконинг кузатишича, «Терминлар - луғат таркибининг бир қисми ҳисобланиб, фан ва соҳалар предметининг аниқловчисидир» [2, 15].

Илм-фан бизни ўраб турган дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг ички сабаб-оқибатлари узвий алоқадорликларини ифодалайдиган, табиат ва жамиятнинг тараққий этишига алоҳида хизмат кўрсатадиган тизимдир.

Умуман хулоса сифатида айтадиган бўлсак, турли тиллар терминларининг ўзаро қиёсий таҳлили тил ўзига хосликлари, структураси, миллий менталитет ҳамда анъанавийликка асосланишини таъкидлаш жоиз. *Рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит* терминологиясини рус ва ўзбек тиллари материаллари асосида қиёсий-чоғиштириш аспектида тадқиқ қилиш бугунги кунда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши билан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига муайян даражада енгиллик яратилишига олиб келиши жиҳатидан алоҳида долзарблик касб этади.

Терминологик бирликлар лингвистик хусусиятларига хос етакчи тамойилларни тилшунослик, таржимашунослик назарияси нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш, терминларининг лексик-семантик, функционал-структуравий, коннотатив ва денотатив хусусиятларини очиб бериш мазкур соҳага доир билимларнинг яна-да, чуқурлашуви, талабаларда ҳам иқтисодий, ҳам лингвистик билимларнинг кенг қўламда таркиб топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797 Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 17 май.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

1. The European Higher Education Area in 2015: Implementation Report. (2015) <http://ec.europa.eu/eurydice>

2. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.–М., 1977.

3. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М., 1998.

4. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики.– М., 1968.

5. Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке.– М., 1983.